

ЎЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



# ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 145 (2409)

1991 ЙИЛ 3 ДЕКАБРЬ

СЕШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИЯИН

## МУНОСАБАТ

### Кийимда ҳам гап кўп

Қишлоғимиз оқсоқоли талбачан одам эди. Ҳашар пайтлари, энг аввало, ҳашарчиларнинг уст-бошига разм солар, баъзиларини мақтаб, баъзиларини қаттиқ койир эди.

«Ҳов, фалончи, намунча шалвираган чопон кийиб олдинг?»

«Сен нега белбоғсиз турибсан, ишқамас?»

«Баракалло, йигитнинг гули, энгларни ана шундай шимариш керак».

Оқсоқолнинг уч-қуйруғсиз жаврашлари, очиқ гап, кўп ёш-яланлар қатори менга ҳам ёқмади. «Бировларнинг кийимига ёпишгандан не фойда бунга?» — дея ўйлардим гижиниб.

Мана, орадан анча вақт ўтиб, оқсоқолнинг ўша тергашлари бежиз эмас эканлигини англаб етдим. Қиллаётган юмушнинг унуми, сифати иш кийимингга ҳам боғлиқ экан. Бу ғалати қонуният ҳар қандай касбдаги, ҳар қандай вазифадаги одамларга тегишли. Жумладан, ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари саналмиш милиция ходимларига ҳам.

Дарвоқе, сиз милиция фўрмасидаги югуриб бораётган кишини кўрганмисиз? Албатта, кўзингиз тушган. Улар бошларидаги фуражкларини қўлларига олиб, маҳкам ушлаб чопиллашади, йўқса, каллада аранг турган фуражкани бир йўргалашдаёқ ерга учиб тушадию ўзидан олдин гилдираб жўнайди. Демак, кўриниб турибдики, милиционер тезкорлик талаб қиладиган муҳим топшириқ бажарётганда фуражкани ортиқча юк бўлиб, унинг қўлларини ва хаёлини банд қилиб туради. Мабодо, шариллаб ёмғир қуйиб юборса-чи? Милиционер, беихтиёр ўз кийимларини кутқариш ташвишига тушади. Ахир, бу савил бир ивиб берса, уни қуритиш ва дазмоллаш ўлимдан қаттиқ.

Ботинка-чи, ботинка?! Асл насли тош деса тошга, қайиш деса қайишга ўхшамас бу оёқ кийим ҳам милиционернинг шўри. Қўпол ва беўхшов ишлангани майлику-я, иссиғу совуқни баб-баравар ўзига тортиши дард устига чипқондир.

Яна бир энг ёмон томони шундаки, милиция ходими хоҳ шимол музликларида, хоҳ жанубнинг қайноқ қумликларида хизмат қилаётган бўлмасин, барибир, у ўша нобоп фўрмасини кийишга мажбур.

Асримизни мўдалар асри, деб атасак, кўп ҳам ўтрик бўлмайди. Зеро, ойнаи жаҳон экранларида, журналларнинг саҳифаларида кунаро турли-туман кийим-кечаклар эҳтирос билан намоён этилмоқда. Афсуски, калта иштонлар, юпқа кўйлақларнинг минг бир хили бетиним бичиб-тикилаётган бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот ходимларининг эҳтиёжлари бир чеккада қолаётир. Ахир, энг ихчам, энг кўркам кийимлар биринчи навбатда улар учун тайёрланмоғи керак-ку?! Уст-боши ивиб, оёқлари яхлаб, дунё кўзига тор кўринган милиционер иссиқ гўша илнжидан дуч келган ёққа ўзини урса, жиноятчиликнинг кўчасида ҳар кун байрам-ку?!

Кези келганда шу нарсани таъкидлаш керакки, биз энди аллақандай Советлар империясининг мустамлака ўлкасида эмас, балки мустақил Ўзбекистон давлатида яшай бошладик. Демак, шундай улкан давлатнинг ҳуқуқ-тартибот ходимлари ўз фўрмасига, ўз кийимига эга бўлмаслиги уят. Миллий анъаналаримиздан, табиий шароитимиздан келиб чиққан ҳолда ички ишлар ходимларига янги хизмат кийимини тикиш ўйлаб кўрилса, фойдадан холи бўлмасди.

Луқмон БҮРИЕВ.



Йўл-улов ҳодисаларининг рўй бериши бош сабабларидан бири маст ҳолда уловчи бошқариш бўлса, иккинчиси тезликни меъъридан оширишдир.

— Гарчи йўлларда тегишли белгилар қўйилган бўлсада, айрим «учар»лар бунга риоя қилмайдилар. Тўхтатиб сабабини сўрасангиз деярли жавоблари бир хил: «Жуда ҳам шошиб турибман», «...кеч қолдим, вақтим эиқ». Афсуски бу билан ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам хавф остида қўяётгани ҳақида ўйлаб кўришмайди, дейди Урганч шаҳар ДАН инспектори, милиция кишик сержанти Ғ. Йўлдошев.

Суратда: Ғ. Йўлдошев улов тезлигини ўлчамоқда.  
Сурат муаллифи С. БОБОЕВ.

## АКС-САДО

### БИР КАМИ ШУ ЭДИМИ?

«Постда» рўзномасининг 1991 йил 26 ноябрь сонидан журналист Ғайратжон Болтабоевнинг «Муносабат» руқни остида босилган «Наманган кимнинг шаҳри?» номли мақоласини ўқиб, мен ҳам бу мақолада ўз муносабатимни билдиргим келди.

Тўғри, мен Салоҳ Қориевнинг «Қачонгача Алини Вали деймиз?» деб номланган мақоласини ўқиган эмасман. Лекин кўлимга қалам олишга мақолада айтиб ўтилган далилларнинг ўзи етарли бўлди. Муаллиф таъкидлаганидек, маҳаллийчилик — энг ёмон иллат. Чунинчи, юртимизни мазлумликка юз тутишининг бош сабаби ҳам маҳаллийчилик бўлган. Зеро, бундан 130 йил муқаддам Чимкентда Қўқон хони қўшинлари рус босқинчи аскарларига қарши курашаётган бир маҳалда, нима учун Бухоро амирлиги Қўқон хонлигига юриш қилган! Маҳаллийчиликдан. Бу ҳақда чуқурроқ маълумотга эга бўлиш учун эса профессор Ҳамид Зиёевнинг «Шарқ юлдузи» ойномаси ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасидаги чиқишлари билан танишиш зарур.

Бугун Салоҳ Қориев ўшандай даъволар билан чиқса, эртага Тошкентдан яна кимдир чиқиб, Алишер Навоийнинг оёғи бу ерларга етган эмас, нима учун пойтахтдаги миллий борни у кишининг номи билан атаб, каттақон ҳайкалини ўрнатдик, дейишдан ҳам тап тортмайди. Бу каби маҳаллийчиликка берилишдан кимга фойда? Бундай фисқу фасоддан Республикаимизнинг мустақиллигини кўра олмаётганлар фойдаланмайдиларми? Биз маҳаллийчиликка берилсак, мустақиллик ўз-ўзидан емирилади. Она юртимизга эндигина ўзимиз эга бўлай деганда, ички бузилишга йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда келажак авлод бизни асло кечирмайди.

М. РАМЗИДИНОВ.

## УЯТ ЙИГИТЛАР

Менинг Тошкентдаги ҳарбий қисмларининг бирида хизмат қилаётганимга кўп бўлгани йўқ. Утган ойда «Жанубий» вокзалда навбатчилик қилишимга тўғри келди. Яқинда эди. Соат кундузи 11 лар атрофида 4 нафар йигит карта ўйинида бир йўловчининг 430 сўм пулини найранг билан ютиб олишди. Ютқазган киши пулини талаб қила бошлади. Аммо йигитларнинг дўқ-лўписалари таъсирда тезда жиниб қолди. Мен ва ёнимдаги икки солдат, гарчи бу ўйиннинг гирромлигини билсакда, ҳеч нарса қила олмадик. Негаки биз ҳарбий кийимда эдик.

Яқинда бир дўстимиз автобусда кетаётганида чўнтагига бировнинг қўл тиққанини сезиб қолибди. Уни маҳкам ушлаб настга олиб тушса, кисавурининг шериклари йиғилишиб, роса дўстимизни дўппослашибди. Бироқ ён-атрофдаги бирон мард уларни ажратмабди.

Мен шу ўринда йигитларимизга «тасаниолар» айтгим келади. Ахир, бизларнинг қўрқоқлигимиз туфайли ана шундай қаллоблар кўпайиб кетмайтми? Биз — табиат куч ва ақл берган йигитлар уларга муносиб жавобини бермасак, қизлар, қариялар бу ишни зиммаларига одишсинми? Уят эмасми, ахир!

А. ТУХЛИЕВ.

## ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Саноат маҳсулотларининг айрим турлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳозирги кунда қатъий тартибда патта (талон) билан ҳўжаликларга тарқатилаяти.

Аммо айрим жойларда «қатъий тартиб» бирмунча бошқача тарзда ўрнатилган, шекилли. Йўқса ДАН ходимлари томонидан тўхтатилган автоулов ҳайдовчилари қопқоп ун, гуруч, шакар, кутиларда макарон ва яна кўплаб камёб молларни қайқдан олишяпти ва қайққа олиб кетишяпти!

Масалан, шу йилнинг 17 ноябрь кунин Чилонзор тумани ИИБ ДАНБ ходимлари милиция лейтенанти И. Исмоилов ва милиция сержанти А. Азимовлар ҳайдовчи А. Убайдуллаевнинг машинасида ҳеч қандай

ҳужжатсиз олиб кетилаётган 228 килограмм гўшт маҳсулоти борлигини аниқлашди.

19 ноябрь кунин Сирғали туманида тўхтатилган «ВАЗ-21063» белгилан Р 9645 ТН рақамли автомашина юкхонасида (ҳайдовчиси Р. Хуснидинов) 8 донга гилам бор экан. Гиламлар учун ҳужжат тузилмаган.

21 ноябрда Чилонзор туманида А. Кимнинг машинасида 300 килограмм чет эл макарони топиб олинди.

Булар фақат ДАН ходимлари аниқлаётганлари. Назардан четда қолиб, қўлга тушмай кетаётганлар қанча? Хўш, уларга ким шунча маҳсулотни қўшқўллаб тутқазаяпти! Дўкончи-да, деб осон кўтилиш мумкин. Аммо аҳоли жон бошига ҳисоблаб рўйхат билан берилаётган нарсалардан орт-

тириб, бу тарзда сотиб бўлмасе керак! Демак, шу маҳсулотлар чиқаётган дўконларга рўйхатдан ташқари ортиқча маҳсулотлар келадик, бу «тескари» сотишнинг имконини яратади.

ДАН ходимлари баҳоли қудрат ўз имкониятлари даражасида, бундай қинғир ишларнинг олдини олишга ҳаракат қилмоқдалар. Бироқ бу билан иллатнинг илдизини қуритиб бўлмайди. Бу ерда «қўлга тушган айбдор» бўлиб қолаверади, холос. Ишнинг ижрочилари жавобгарликка тортилади. Ташкилотчилар эса ялло қилиб юришади.

Бу каби ғайриқонуний ишларга барҳам бериш ҳақида тегишли мутасадди ташкилотлар чуқурроқ ўйлаб кўрсалар бўларди.

Рамзиддин МУҲИДИНОВ.

## НАЙРАНГИ ЎТМАДИ

1968 йилда туғилган Василий Петровский илгари ҳам қамалиб чиққан. Бироқ умрининг тўрт йилини елга совурганга сира ўқинмади. Аксинча, ёнига тенгқури Александр Виноградовини олиб, босқинчилик қила бошлади. Лекин фаолиятини узоқ давом эттира олмади. Милиция ходимларига отининг қашқасидай маълум бўлган Василий тез орада қўлга тушди. Аммо тажрибали эмасми, айбини Александрга ағдарилганга тоза ҳаракат қилди. Бироқ найранги ўтмади.

Иши пойтахтдаги Ақмал Икромов тумани халқ судига юборилди. Суд ҳар икки босқинчинин олти йилга озодликдан маҳрум этди. Жиноятчиларнинг мол-мулкларини мусодара қилинди.

Таланган буюмлар эгаларига қайтарилди.

М. ИСРОИЛОВА.



ФАХРИЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Паспорт текширишда гап кўп, — дейди суҳбатимиз давомида истеъфодаги милиция капитани Шодмонбек ака Иброҳимов. — Мен участка вакили сифатида ҳудуддаги хонадонлардан камида 15-20 тасида бўлмаган куним уйқум келмасди. 1974 йилнинг эрта баҳори. Соҳ кўчасидаги хонадонлардан бирига кириб, уй эгасига мақсадимни тушунтирдим. Диққат билан унинг паспортига разм солдим. Расм, ёзув, рўйхатдан ўтиш белгилари жойида. У эса ўзини жуда эркин тутарди.

— Ишлаш жойингиз қаерда? — дабдурустдан сўрадим ундан.

— Андижон машинасозлик заводида расомман.

— Э, роса бизбоп экансиз. Шаҳар ички ишлар бўлимида расом қиладиган ишлар анча тўпланиб қолган. Сизни биронта штатга ўтказиб қўйсақда, бизнинг ҳам ҳожатимизни чиқарсангиз. Хоҳланг бўлимда, хоҳланг уйингизга олиб келиб қилинг.

Пешонаси билинар-билимас тиришишдан таклифим уни анча ўйлантириб қўйганини сездим. Йўқ, иккилашиб бўлсада, розилик берди. Иккимиз келишган кунни эрталаб соат 10 лар чамасида у бўлимга келди.

Эски кадрдонлардай кўришаётиб, қўлига қандай қилиб кишан солиб қўйганимни сезмай қолди. Кейин типирчилай бошлади.

— Менинг ҳеч қандай айбим йўқ. Бу қилмишнинг учун жавоб берасан, — деб дўқ уриб кетди бир пайт.

Паспортини варақлаётиб суратидан уни Бутуниттифоқ қидирувидаги Федеровскийга жуда-жуда ўхшатиб юборгандим. Унинг ўта эҳтиёткорлигини, туллаглигини пайқганим учун «ишга» қақиргандим. Худога айтганим бор экан, ўша гумоним ўринли чиқди. У аслида қалбаки пуллар «ихтирочис» сифатида маълум ва машҳур экан. Топқирлигим 30 сўм пул ва ташаккурнома келтирди.

Ҳар бир ишда зйрак, қаққон, уддабурон Шодмонбек ака Иброҳимовнинг хизмат вақтида бундай воқеалар кўплаб учраб турган. У ана шу касб машаққатларини 1949 йилдан 1978 йилга қадар тортиб келди.

У 1925 йили Андижон туманидаги «Трактор» жамоа хўжалиги ҳудудида туғилган. 1942 йили отаси оламдан кўз юмди. Уч нафар акаси фронтга кетди. Рўзгорни тебратиш унинг зиммасига тушди. 1944 йили эса акалари ортидан армияга жўнади. Вена, Будапешт шаҳарларини фашистлардан озод қилишда кўрсатган жасорати учун «Қизил Юлдуз» ордени ва қатор жанговар медаллар билан тақдирланди. Она юртига эса 1948 йилда қайтиш насиб этди.

Андижон тумани ҳарбий комиссариати буйруғи билан 1948-1949 йиллари 1-ўрта мактабда бошланғич ҳарбий таълимни ўқувчиларга ўргатди. Кейин эса шу комиссариат тавсияси билан ички ишларда хизмат қилишга ўтди. Ишга пишиқ йигитни у ерда дарров илғашди. Шодмонбек Тошкентдаги милиция мактабига жўнатилди. Битириб Андижонга қайтгач, вилоят ички ишлар бошқармаси қошидаги фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлимининг Избоскан, Чинобод, Балиқчи, Пахтаобод туманларидаги инспек-



ШОДМОН МЕЛИСА

тори лавозимларида ишлади. 1951—1953 йиллари шу бўлим бошлиғи ўринбосари қилиб тайинланди. Топширилган вазифасини сидқидилдан адо этиш унга ҳурмат келтирди. 1954 йили Шодмонбек жиноят қидирув бўлимига инспектор бўлиб ўтди. Шу ерда милиция катта лейтенанти Абдужалил ака Ҳамроқуловдан ишқуварлик касбининг сир-асрорларини эринмай ўрганди. Бу мактаб сабоқлари унга бир умр асқотиб келди.

Орадан кўп ўтмай Шодмонбек Иброҳимов Андижон машинасозлик заводи, уй-созлик комбинати, Комсомол кўли, 8 та маҳалла ҳудудига участка вакили бўлди. Шу ердаги хизмат фаолияти давомида катта-кичик, оғир-енгил жиноятларни очишга, ҳуқуқбузарликлар сонини камайтиришга эришди. «Шодмон мелиса» деганда, қўли қинғирнинг оёғи дағ-дағ титрайдиган, оғзи полвоннинг гапи пойинтар-сойинтар чиқадиган бўлиб қолди. 1954 йилнинг ўзида хавфли жиноятчилардан Бўтақора кўчасилик Халил Каримовни, Саноат кўчасилик Олим Азимовни, Свобода кўчасилик Икром Абдуллаевни қўлга туширганлиги учун жумҳурият ички ишлар вазирининг буйруғи

билан унга 200 сўм пул мукофоти берилди.

Йиллар давомида у ҳамкасблари билан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жиноятларга ҳам дуч келди. Фақат жангу жадалларда тобланган иродаси туфайлигина хизмат бурчини адо этишдан оғринмади. 1978 йилнинг март ойи. Свобода шоҳкўчасида жойлашган аёллар консултацияси биноси олдидаги ҳожатхонага чақалоқ ташлаб кетилгани ҳақида хабар олинди. Зудлик билан воқеа юз берган жойга милиция ходимларидан Шодмонбек Иброҳимов, Мўйдинжон Отабоев, Шокиржон Максимовлар етиб келишди. Ҳожатхона ичида йиғлаб ётган гўдакни катта қийинчиликлар билан кўтариб олишди. У гўдаклар уйига жўнатилди. Кейин эса вақтни қўлдан бой бермай разолат ботқоғига ботган «она»ни қидиришга киришдилар. Уч ой ўтди. Ва ниҳоят Одина исмли аёл қўлга олинди. Боласини ўлдирishi мақсадида шундай қабих жиноятга қўл ургани ўз исботини топиб, у жинорий жавобгарликка тортилди.

Шодмонбек ака иш юзасидан қандай ютуққа эришган бўлса, буни кўпчилик меҳнати билан боғлаб гапирарди. Завод, фабрика, маҳалла кўмиталари, тураржой бошқармалари қошидаги халқ дружиначилари, жа-

моатчи участка вакиллари кўмаги ўзига асқотганини ҳозир ҳам тилидан қўймайди.

У кишининг диққатга сазовор яна бир фазилати шундаки, ёш милиция ходимларидан билганларини сира аямасди.

Шунинг учун уни 1978 йили катта ҳурмат-эҳтиром билан қариллик гаштини сурипга кузатишди. Аммо тиниб-тинчимас Шодмонбек ака ҳозиргача тиним билмайди. Тўққизариқ маҳалласи қошидаги ўртоқлик судининг раиси сифатида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига ҳамон ҳиссасини қўшиб келмоқда.

У киши оилавий бахт топган инсонлардан. Турмуш ўртоғи Рўзихон опа Иброҳимова билан 7 нафар фарзандни вояга етказишди. Улардан бири Қозимжон ҳозир ота касбини давом эттирмоқда.

Юртда ҳурмат, оилада иззат топишдан буюк тўхфа бормикан? Шодмонбек акани тақдир бу билан сийлаган. Ҳориманг, Шодмон мелиса!

Маъмуржон БОЛТАБОВ, Сирожиддин ҲАЙДАРОВ, «Постда»нинг жамоатчи мухбирлари. Суратда: Ш. Иброҳимов. Сурат 1975 йили олинган.

ЙЎЛДАГИ «БЕКОРЧИЛАР»

Мен одамлар орасида кўп бўламан. Шу боис милиция шаънига айтилган яхши-ёмон гапларни эшитиб қоламан. Яқинда ўзим шоҳид бўлган воқеа ҳақида гапирмоқчиман.

Марказий йўлдан қатновчи автобусда кетаётгандим. Йўловчилардан бири постда турган ДАН ходимини шеригига кўрсатиб деди:

— Бу милиционерларнинг қиладиган ишлари йўқми? Йўлда қаққайиб туриб нима фойда келтиришаркин? Фақат ҳайдовчиларнинг юрагига ғулғула солгани солган.

— Гапингга қўшиламан, — маъқуллади шериги. — Мана бизнинг участкавой уйимизга келиб, қачон ишга жойлашасан, деб ҳол-жонимга қўймайди. Мен билан нима иши бор? Ундан бир бурда нон сўрамаётган бўлсам. Қачон хоҳласам, ўшанда кираманда. Хизматдан бўшаганимга бор-йўғи олти ой бўлди. Озгина ўйнаб олишямга ҳам қўймайди.

Ҳа, бу йигитлар биргина Урганч шаҳар ИИБ ДАНБ ходимларининг шу йилнинг 9 ойн мобайнида 494 нафар маст ҳолда улов бошқариб бораётган ҳайдовчиларни тўхтатиб, юз бериши мумкин бўлган кўнгилсиз-

ликларнинг олдини олганларини қаёқдан ҳам билишсин? Уларнинг 216 нафариди ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқлигини-чи?

Шу йилнинг 6 сентябрь кунини вилоят соғлиқни сақлаш муассасасига қарашли «М-214» белгилли 18-87 ХЗА рақамли улов ҳайдовчиси О. Кенжаев фуқаро Б. Ёқубовни уриб юбориб, жуфтасини ростлаган. Б. Ёқубов шу жойдаёқ ҳаётдан кўз юмган. «Йўлда қаққайиб турганлар» зудлик билан ҳаракат қилиб қочоқни топганлари ҳақида билишармикан? Бунинг учун қанча машаққат чекканларини-чи?

Шу кунгача 156 та йўлов ҳодисаси содир бўлган. 13 киши ҳаётдан кўз юмиб, 171 киши турли танжароҳати олган.

Имоним комилки агар йўлда «қаққайиб турганлар» бўлмаганларида эди, бу рақамлар янада кўпаярди. Яхшиямки йўлларда улар бор.

Саъдулла БОБОЕВ.

Суратда: йўл-улов ҳодисалари натижасида фалокатга учраган уловлар; ДАН ходимлари иш устида.

Суратларни муаллиф олган.



ОРЗУСИГА ЭРИШОЛМАДИ

Пойтахтлик фуқаро Дмитрий Осипов шу йилнинг 2 июнь кунини Пскент туманидаги Ленин номили жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган автомобиль ва эҳтиёт қисмлар билан савдо қилинадиган бозорда чайқовчилик қилаётганида милиция хо-

димлари томонидан ушланди. 1965 йилда туғилган бу ишбилармон давлат нархининг сўмлик камёб эҳтиёт қисмларни 3-4 баробар ортиқча нархда пуллаш учун бу ерга ташриф буюрган эди. Мўмай пул топишнинг

осон йўлини танлаган Дмитрий Осипов иши юзасидан туман ички ишлар бўлими БХСС бўлими бошлиғи милиция майори Турсунбой Ҳожиев ва оператив вакил милиция катта лейтенанти Довуд Бердиқуловлар ҳужжатларни расмийлаштиришди.

Ҳабиб ШУКУР.

ЎЗГАЛАР ҚАЙҒУСИДА

ИИБ ДАНБга бошчилик қилмоқда. Биринчи кундан оқ асосий эътиборини кадрларга қаратди. Маҳаллий радио ва рўзномада қатор чиқишлар уюштирди. Меҳнат жамоалари ўртасида йўл ҳаракати қондаларига оид суҳбатлар ташкил этди. Жамоатчи автоназоратчилар тайёргарлигига диққатини оширди. Айниқса, мотоцикл ҳайдовчиларига эътибор берди. Чунки уларнинг

кўпчилигида, ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ, айримлари уловни давлат рақамисиз ҳам бошқаришаверарди.

Тезлик ишқибозлари ҳам ана шулар эдилар. Шунинг учунми ўтган йилги яғун А. Тошўлмасов бошқараётган бўлинга энг яхши кўрсаткичларга эришганини кўрсатди.

М. КИМСАНБОВ, милиция майори.

Ашурмат Тошўлмасовни вилоят аҳолиси яхши танийди. У вилоят ИИБ ДАНБда имтиҳон ва рўйхатга олиш бўлими бошлиғи бўлиб ишлаганида кўп савобли ишларни амалга оширганди. Имтиҳон топширувчи ва гувоҳнома олувчилар учун қатор қўлайликлар яратганди. Зарурат туфайли келган ҳар бир киши энг кам вақт сарфлаб, мақсадига етишар эди.

Мана икки йилдирки, Ашурмат Қувасой шаҳар



# ТУНДА ЭТИЛГАН МАШИНА

1990 йилнинг 31 августидан 1 сентябрга ўтар кечаси, соат 4 лар эди. Тошкент шаҳар ИИБ постпатрул хизмати милиционерлари Шухрат Мирусмонов ҳамда Мирҳамид Қўймуродовлар хизмат вазифарларини ўтаётганда. Тошкент халқа йўлида, аниқроғи «Ўзгариш» маҳалласи рўпарасида чироқларини ёқиб олиб, шиддат билан келаётган машинани тўхтади.

Машинада ҳайдовчидан ташқари яна икки нафар йўловчи бўлиб, улар маст эдилар.

— Буларни Сирғалидан Чилонзорга олиб кетяпман. — деди ҳайдовчи.

Милиционерлар салонни текшириб кўришди ва ўриндиқ остидан «Макаров» тўппончасига ўхшаш ўйинчоқ қурол топиб олишди. Ҳайдовчи эса бепарво қўл силтади.

— Бу меники, жиянимга совға қилмоқчиман.

— Ундай бўлса, машина юкхонасини кўрсатсангиз.

— Оворагарчилигининг нима кераги бор, у ер бўм-бўш-ку...

— Ҳечқиси йўқ, қани очинг!

— Нима ҳам дердик, марҳамат...

Юкхона ҳайдовчи айтганидек бўм-бўш эмас экан. Учта сувқоздан тайёрланган пакет топишди. Бу пакетда аёллар косметикаси ва турли буюмлар, атирлар, худди шунингдек, анчагина пишлоқ бор экан.

— Ҳа, унчалик камбағал эмас экансиз, — дейишди милиционерлар.

— Россиядаги холамдан почта орқали совға-салом олганман, энди буларни қариндош-уруғларга тарқатишим керак.

— Эътирозимиз йўқ. Аммо битта шарт бор. Ҳозир биз билан шаҳар ички ишлар бошқармасига борасизлар!..

Одамзотнинг одати шунақа: кундалик юмушлари тамом бўлдими, уйига — бола-чақалари даврасига шошилади. Кун бўйи турли-туман машиналар шовқинию йўловчилар ғала-ғовури билан тўлган кўчалар тунда осудалик оғушида бўлади.

Ана шу сукуват кимларгадир (албатта, нияти қора шахсларга) қўл келиши турган гап. Эҳтимол ўша пайтда Ш. Мирусмонов ҳамда М. Қўймуродовлар ана шу сукуватдан фойдаланиб, қабиҳ ниятларини амалга ошириб қайтаётган жиноятчиларни қўлга олганликларини сезишмагандир. Ҳаммаси кейин аниқ бўлди.

Меҳнат таътили пайтида Валентина (жабрланувчининг исмини ўзгартириб берамиз) Сочидан бўлди. Роса икки ҳафта маза қилиб дам олди. Чарчоқларини унутди. Қушдек енгил тортиди. Кейин самолётга чипта олдию туғилиб ўсган шаҳри — Тошкентга парвоз қилди.



Ниҳоят самолёт Тошкент қўналғасига қўнаётганлигини эълон қилишди. Валентина иллюминатордан ташқарига қаради. Ўзига қаддон бўлиб қолган гўша гўёки ложувард юлдузлар билан тўла самога ўхшарди. Юраги ҳаққириб кетди. Ватан соғинчи олис ўлкага сафар қилиб қайтаётганда биларкан.

У самолётдан тушдию ўзини одамлар орасига урди. Тезроқ бирорта машина ушлаб, уйига етиб олиши керак.

Шунда уни кимдир чақиргандай бўлди. Бурилиб қараса, хушрўйгина йигит экан.

— Яхши қиз, шошилаётган кўринасиз, машинам сизга мунтазир, — деди у четроқда турган «Москвич-412» белгилли уловга ишора қилиб. — Қаерга олиб бориб қўяй?

— Фазогирлар шоқкўчасига, — деди Валентина чиройли кўзларини пирпиратиб. Кейин одат бўйича сўради. — Йўл ҳақи қанча бўлади?

— Э, от билан туя бўлармиди, келишамизда.

— Ундай бўлса, юкхонасини очинг, нарсаларимни жойлаб қўяй.

— Марҳамат!

Д 08-99 ТН рақамли машина Валентина орқа ўриндиқдан жой олгач, шиддат билан йўлга тушди. Аммо қўналга ҳудудидан чиқавришда яна икки йигит қўл кўтариб қолди.

— Йўл-йўлакай бўлса олиб кетайлик, — деди Алексей (маълум сабабларга кўра ҳайдовчи ва воқеанинг бошқа иштирокчилари исмини ҳам ўзгартиришимизга тўғри келди) ва тормозни босди. Машина гийқиллаб тўхташи билан йигитлар чопиб келишди. Салом-аликсиз, таклифсиз ўзларини ичкарига уришди.

— Биз Фазогирлар шоқкўчасига кетяпмиз, сизлар қаёққа, йигитлар? — сўради Алексей.

— Бизни Сирғалига олиб бориб қўясан! — деди Виталий.

Константин эса шерпигга қўшимча қилди.

— Яхшигина ҳақ тўлаймиз, бу ёғидан ташвиш қилма!

Бу гапни эшитиб, Валентинанинг аъзойи бадани жунжикиб кетди. Наридан борса ярим соатда уйда бўламан, деб ўйлаган эди. Бу ёғи ғалати бўлди-ку? Бу иккови ичиб олган, ҳайдовчи ҳам миқ этмай уларнинг айтганини қиялпти. Ҳа, майли, машинага Сирғали нима деган гап.

Чирчиқ дарёсига борганда машина таққа тўхтади.

— Бўлди, бошқа ҳеч қаерга бормаيمان! — деди Алексей.

Шундан кейин кутилмаган (Валентина учун) воқеалар рўй берди. Виталийнинг қўлида тўппонча пайдо бўлди.

— Қани, кассада борини чиқар-чи! — деди ҳайдовчига. Кейин эса уни пастга тушириб, нарироққа бошлади. Кўздан узоқлашишди.

Валентина аждаҳо қаршидаги қўзичоқдек қалт-қалт титраб, Константин



эса унга еб юборгудек суқланиб боқарди.

Ниҳоят, Виталийнинг бир ўзи қайтиб келди.

— Ҳайдовчи билан ҳисобкитоб қилдим, — деб пиқиллаб кулди.

Бу гапни эшитгач, шерпиги ҳайдовчи қолган томонга кетди. У эса қўлидаги тўппончани қизга тўғрилади.

— Қани, гўзал қиз, тақинчоқларингни чиқар-чи!

Бундай пайтда Валентина аёл-ку, ҳар қандай эркак киши бўлганда ҳам иложсиз қоларди. Биринчидан, у ғирт маст, иккинчидан, қўлида қурол. Тепкисини босса бўлди — тамом-вассалом.

Титраб-қақшаб тақинчоқларини ечиб берди.

— Энди, азизим, кийимларингни еч, бир кўнгилхушлик қиламиз.

— Менга раҳмингиз келсин.

— Кўз ёшига алдананган вақтларим ўтиб кетган, тезроқ бўл, йўқса!..

Илож қанча, ечинди.

Виталий эса худди онадан янги туғилгандек яп-яланғоч бўлган аёлга бир неча сония термулиб қолди. Кейин эса... шаҳвоний ҳирсини қондирди. Бу билан

ҳам чекланмай айтишга тил, ёзишга сўз уяладиган ҳатти-ҳаракатлар содир этди.

Навбат Константинга келди. У ҳам ўртоғининг қўлидаги тўппончани олиб, «висол лаззати»дан баҳраманд бўла бошлади. У ҳам Виталий каби аёлни жисмонан ҳақоратлади.

Ниҳоят, Алексейни «олиб келишди».

— Машинангга кир, энди сен у билан жинсий алоқа қиласан! — дейишди унга.

Алексей ҳам орқа ўриндиқда аёл билан қўшилди. Сўнгра яна ўзлари...

Орадан анча вақт ўтгач, аёлга кийиниб олишни буюришди.

«Шундан кейин улар менга сумкамни узатишди. Юкхонадаги нарсаларимни олишга рухсат беришмади. «Уни нима қиламиз, ўлди-раимизми ёки дарёга чўктириб юборамизми?» — деб гаплашишди ўзаро. Буни эшитиб, нафасим ичимга тушиб кетди.

Ҳайтовур, ундай қилишмади. Мени ёлғиз қолдириб, ўзлари жўнаб кетишди. Ушанда уларнинг қўлма-қўл бўлаётган қуроллари рост-такам эмас, ўйинчоқ эканлигини мутлақо сезмабман...»

Жабрланувчининг кўргазмасидан.

Шаҳарнинг энг чекка қисмида — дарё бўйида қолган, бир гуруҳ палидлар

## СИР ОЧИЛДИ

Кейинги йилларда ката-лакдек хонадонларда сиқилиб яшаётган тошкентликларга виллоятнинг шаҳарга туташ туманларидан дала ҳовлилари ажратилди. Ана шундай бахтга сазовор бўлган фуқаролар қувончдан бошлари кўкка етиб, ўзларига берилган майдонларда турар-жойлар барпо этишмоқда. Бир-иккита хонани амал-тақал тиклашганларидан сўнг энг керакли уй анжомларининг бир қисминини олиб бориб қўйишади. Қараб-сизки, хоҳлаган пайтларида табиат қўйнидаги сўлим гўшада ҳордиқ чиқариш имконияти муҳайё.

Калинин туманида ҳам ана шундай далаҳовлилар анчагина. Лекин улар эгаларига, қолаверса ички ишлар бўлими ходимларига анчагина ташвиш ҳам келтира бошлади. Ўғирлик кўпайгандан-кўпайди. 1990 йил 24 август кун фуқаро Қаримов милиция ходимларидан нажот сўраб келди. Айтишча, номаълум шахслар Гагарин номи давлат хўжалиги ҳудудидаги дала ҳовлисидан «Юность» телевизиорини, «Украина» стабилизаторини ва «ВЭФ» белгилли радиоласини ўмариб кетишган.

1991 йил 27 февраль кун эса ўша шахслар фуқаро Кутеповани чув туширишди. «Рубин» телевизиори ва икки дона чойшаб ғойиб бўлди.

29 март кун эса фуқаро Никонорованинг 250 сўмлик чинни идишларини, анчагина газламаларини — жами 1 минг 670 сўмлик буюмларини қўлтиқлаб, жўнаб қолишган.

31 март кун фуқаро Прохоренко ўғрилари унга 1 минг 350 сўмлик моддий зарар етказганлиги ҳақида шикоят қилди.

Худди шунингдек, номаълум кишилар 5 апрель кун фуқаро Калачовнинг, 23 май кун Лисункиннинг, 12 август кун Зокировнинг, 19 август кун Мирзаевнинг, 7 октябрь кун Раҳимовнинг далаҳовлиларини шип-шидам қилиб кетишди.

Бу ерда баъзи рўзнома-севарлар жиний гуруҳ салкам икки йил давомидан билганини қилиб юришини милициянинг ўқувсизлиги билан боғлашлар мумкин. Лекин аслида бундай эмас.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, яккам-дуккам жойлашган далаҳовлиларининг эгалари ўз қўшнилари яхши билишмайди. Бу эса ўғрилари учун мислсиз рағбатдир. Қолаверса, фуқаролар асосан шаҳар ҳудудида истиқомат қилишлари учун фалокат қачон содир бўлганлигини аниқ билишмайди, шунингдек, аксарият ҳолларда милицияга кечикиб хабар беришади. Кўпинча излар совиб қолган бўлади.

Шундай бўлсада, туман ИИБ ходимлари Султоимурод Абдуллаев, Аваз Эгамбердиев, Рустам Амнижонов, Жўлдасбек Шакарбеков, Маъруф Иброҳимов, Шухрат Раҳимбоев, Алижон Соиповлардан иборат гуруҳни қўлга олдилар. Уларнинг аксарияти эндигина мўйлаби сабаза урган ўспиринлар экан. Ўмарилган молларнинг бир қисми эгаларига қайтарилди.

Ислол ХУДОЕР.



Ушбуни «Муштум» ёки «Халқ сўзи»га ҳам ёзишим мумкин эди. Бироқ айнан «Постда» рўзномасига ёзишимнинг сабаби бор. Бу нашр «Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!» шiori доирасида иш кўришни ўз зиммасига олган. Мен бу шioriни эслатиб, кимгадир писанда қилмоқчи эмасман. Ҳар бир нашрнинг ўз йўналиши мавжуд эканини таъкидламоқчиман, холос.

Дунёда кийимсиз одам бор, аммо дардсиз, ташвишсиз одам йўқ.

Майли, жимжимадор гапларни бирор мажлис ё расмий йиғин учун сақлаб қўйлиги, мақсадга ўтайлик. Қаршимда 27 ёшли йигит. Унинг арзига қўлоқ солмасликнинг сира иложи йўқ. Чунки қанчалар аччиқ бўлмасин, у айни ҳақиқатни гапирарди. Қуйида битилган жумлалар шикоятчининг куйиб-ёниб айтган сўзларидир. Мен фақат «эга-кесими»ни бироз келиштириб, рўзномабоплаштириб қоғозга туширдим, холос.

«Қадимда аждодларимиз Ватан сўзини икки хил нисбатда қўллашган экан: кенг маънода туғилиб ўсган юрт Ватан дейилса, қиёсий маънода эса уй-бошпана ҳам Ватан деб юритилган, — дея бошлади гапни шикоятчи. — Менинг аждодларим наинки етти, балки етмиш наслим Ўзбекистон деб аталаётган табаррук заминда умргузаронлик қилганлар. Бу юрт бизнинг Ватан. Тирикликда — Ватан, ўласак хилхонамиз шу тубробда бўлган. Ота авлодим курраи заминнинг сайқали Самарқанди латифда, ислом динининг қуввати Бухорини шарифда Ватан курганлар. Азаддан ҳунармандчилик ўлкаси деб Фирдавсию Низомийдек алломалар мадҳ этган, «Бурхони қотей...», «Ғиёс ул-луғат» каби табаррук битикларда алоҳида таърифланган, соҳибқирон Амир Темур назари тушган кўҳна Шош (ҳозирги Тошкент) она авлодимнинг киндик қони томан Ватандир. Отамдан бўлак барча онла аъзоларимиз (жами 11 жон) Тошкентда туғилиб ўсганмиз. Онамиз ва қўни-қўшнилари-нинг айтишларича, Юнусобод даҳасидаги «Болтамозор» деган жойда боғимиз бўлган экан. Мархума бувимиз Тошкент туманидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигида меҳнат қилиб, 30-50-йиллардаги ҳалол меҳнатлари учун жамоа хўжалиги раҳбарияти томонидан кўп марта моддий рағбатлантирилган эканлар. Боғимизни биз — 60-йилларда дунёга келган авлодлар кўрмаганмиз. Шаҳар ҳовлисида эсимизни танидик. Бу ҳовлимиз «Шокир гузар» ўрамидаги «Манноп

табиб» маҳалласида эди. «Болтамозор»даги боғлар текислаиб, кўп қаватли иморатлар қурилди. Богдан ажралганимиз каммидики, 1975 йили ҳовлимиз ҳам ерпарчин бўлди. «Элга келган тўй экан» деб, ота-она, уч ўғил «Гулобод» ўрамидаги тўрт қаватли уйларнинг биридан берилган тўрт хоналик хонадонга кўчдик.

Отам ҳозирги кунда 73 ёшга қадам қўйяптилар. Умр бўйи жисмоний меҳнат — дурадгорчилик билан банд бўлдилар. Онам — бошланғич синф ўқитувчиси. 35 йилдан бери бир жойда — Тошкентдаги собиқ 14- ҳозирги 146- ўрта мактабда ишламоқдалар. Ёшлари 66 да. Онлада 12 жонмиз. Онам, мен, акам, рафиқам муаллимлик касби бўйича олий маълумот ол-

қат ўзбек тилида битилган, аммо жавобларнинг аксари рус тилида берилган. Шунинг ўзиёқ аризачиларга муносабат қандай эканлигини кўрсатиб турибди. Жавоблардан кўчирмалар қайси тилда бўлса, таржима-сиз берилмоқдал).

«...Вы решением РИКа № 30-5-1 от 2.03.89 г. (ОЖК-2-89) приняты на учёт льготной очереди учителей за № 84. В настоящее время очередь стала 66. Благоустроенной квартирой будете обеспечены в порядке льготной очереди.

Начальник квартирного отдела В. Арапов».

«Отдел учёта и распределения жилой площади Октябрьского райисполкома на Ваше заявление о предоставлении квартиры сообщает, что Вы взяты на льготную очередь учителей за

Сўнги 21.06.91 йил 747 курақамли жавобда эса «...навбатингиз — 46...» дейлади. 1.04.90 йилдан 21.06.91 йилгача — 14 ой мобайнида атиги 7 тага сурилган. Энг қизиги, навбат сурилиши жумҳурият Президентининг ўқитувчиларга қўшимча имтиёзлар ҳақидаги Фармонидан сўнг янада тезлашиш ўрнига, аксинча, сусайган. Мен мана шу сусайишларни туман ижроқўмидаги мутасаддилар асослаб беришларини жуда истардим. Бу ўринда битта менинг онам эмас, балки имтиёзга эга ўнлаб муаллимлар расмий идоралар эшигида илҳақ бўлиб, кимга арз қилишларини билмай юрибдилар.

Мен бир марта 1990 йили май ойида Октябрь тумани ижроқўмига бордим. Навбат рақамини билиш истагида

сўзидан алам ва ғазаб тўкилаётган шикоятчи ўқиб чиқдингиз. Мен ушбу қайд этилганларни қоғозга тушириб бўлгач, шикоятчи яшайдиган Тошкент шаҳар Октябрь тумани «Гулобод» мавзеси, 79-уй, 28-хонадонга бордим. Аҳвол шикоятда айтилгандан ҳам оғирроқ. Ҳа-да, бир оилада тўрт нафар ўқитувчи рўйхатда, улар мактабга бориши, дарс ўтиши керак. Дарслар учун уйда режа ёзиб, ўқувчиларнинг дафтарларини текшириш керак. Булар учун эса шароит зарур. Шароит эса деярли йўқ даражада.

«Буни қаранг, — дейишди хонадон келинлари, — жой йўқлигидан пастга (кўчага) чорпоқ қилиб, биринкита сандиқ ва кўрпакларимизни олиб тушиб қўйганмиз».

Ҳа, ҳозир бир парча мато фалон пул, буларнинг эса не-не машаққатлар билан эришган кўрпа-кўрпачалари очикда, ёғин-сочин остида.

«Болам, — деб гап бошладилар ўттиз беш йиллик муаллима, хонадон бекаси Ҳамидахон ая Толипова. — Буларни ёзганингиздан кейин номимиз ариза-чиға чиқиб қолмайдими?! Ахир, ўзбекчиликда бу яхши эмас-да!»

Оҳ, онахон-а! Қани энди Сиздаги диёнат, ўзбекчилик Октябрь тумани ижроия кўмитасидаги тўраларда ҳам бўлса эди, ушбуни ёзишга ҳожат қолмасиди?!

Хулоса ўрнида туман ижроқўмидаги мутасаддиларга икки оғиз сўзимиз бор:

«Хурматли мутасаддилар! Сизни ҳам шу даражага етгунингизча қўлингизга қалам бериб, саводингизни чиқарган одамнинг номи МУАЛЛИМ! Энди оқ-қорани таниб, мансаб курсисига миндингиз. Наҳот муаллимни шунчалар тепиб ўтасиз?»

Онахон ва у кишининг тўрт нафар муаллимдан иборат 11 жонлик онласи қачонгача қўйнаиб, тикилиб яшайди?»

Бу саволга жавоб кутамиз.

Яна бир масала. Онахон давлатга қарашли уйда яшар эканлар. Ваҳоланки, Президентимизнинг 1990 йил 13 ноябрдаги ўқитувчиларга қўшимча имтиёзлар белгилловчи Фармонида кўра бу уй бепул тарзда у кишига шахсий мулк қилиб берилиши керак. Аммо бу ҳақда ариза олиб борсалар: «Уйнинг пулини тўлайсиз аввал», — деб жавоб қилишибди. Бу эътироз юзасидан ҳам туман ижроқўмида уй-жойларни тасарруф этиш билан шуғулланувчи ўртоқлардан жавоб кутамиз.

Тўлқин ЕРҚУЛОВ.

# «ШУЛ ЭРУР АЙБИМ МУҚИМИЙ»

ганмиз. Демак, бир оилада тўрт нафар муаллим — мутахассис. Шунингдек, тўрт хоналик уйда оила рўйхатида: ота-онамиз, акам, мен ва укам оиламиз билан.

Тўғри, бундай савдо улур инқилоб «шарофати» билан кўплаб ўзбеклар бошига тушди. Жой танқислиги боис қатор ноқулайликлар юз бермоқда. Масалан, таниш-билишларимизни меҳмонга чақириш зарур бўлиб қолса, қарда меҳмон кутибни билмаймиз. Чунки ҳамма уйларда ётоқхона жиҳозлари, мебеллар қўйилган. 4 нафар меҳмон келадиган бўлса, ётоқхона жиҳозларини қўшнингнинг уйига ташиймиз. Буни ҳам майли. Энг даҳшатлиси шундаки, коммунал шароитлардан исталган вақтда фойдаланиш учун истиҳола қиламиз... Ахир, бу мусулмончиликда бандаси учун иснод-ку. Алам қиладигани, ҳам богдан, ҳам шаҳар ҳовлидан айрилиб, каталакдек уйга тикилиб, «ит ётиш, мირза туриш» турмуш кечириётганмиз. 70 йилдан буён инсон омили, деб жар соламиз. Лекин ҳозирги кунда туман миқёсидаги қуйи бўғин раҳбарларидан тортиб, жумҳурият миқёсидаги курси эгаларигача ишончимиз йўқолди. Сабаби, уй-жой олиш учун қарийб уч йилдан бери навбат кутиб, кирмаган ташкилотимиз, учрамаган мутасаддимиз кам қолди. Уларнинг жавобларидан айрим кўчирмаларни келтираман: (аризалар фа-

№ 83 Протокол общественно-жилищной комиссии № 4 от 17.02.1989 г. На 1.04.90 г. очередь стала 53».

«05.06.90 № 1003 ку.

«...Решением исполкома Октябрьского райсовета от 2.03.1989 г. за № 30/5—1 Вы приняты на учёт для улучшения жилищных условий в льготную очередь учителей. По состоянию на 01.01. 1990 г. Ваша очередь за № 53.

Начальник

М. К. МУСАЕВ.

«21.06.91 № 747 ку.

Сизнинг уй-жой масаласи бўйича... йўллаган ариза-гиз... кўриб чиқилди... навбатингиз — 46...»

Бошқарма бошлиғи

М. К. МУСАЕВ.

Келтирилган кўчирмаларнинг аввалги 2 таси туман ижроқўмидан, кейингилари Тошжижроқўм уй-жой тақсмоти бошқармасидан келган жавоб хатларидан олинди.

Авалло бир нарсага эътибор берсак.

5.07.89 йили 528-з рақамли биринчи жавобда имтиёзли навбатга 84-рақам билан 2.03.89 йили олинганлигида ва ҳозирги кунда 66-ўринда эканлиги қайд этилган. Демак, 4 ой мобайнида навбат 18 тага сурилган. Кейинги жавобда 1.04.90 йилга келиб навбат 53-ўринга етгани айтилади. 5.07.89 йилдан 1.04.90 йилгача 8 ой давомида 13 тага сурилган.

ёшгина аёлга мурожаат қилдим. У қайси навбатда эканимизни сўради. Мен ўқитувчиларнинг имтиёзли навбатида эканимизни айтдим. Ишонасизми, «ўқитувчи» сўзини эшитган аёл совуққина қилиб: «Анави ерда рўйхат бор, бориб кўриб олаверинг. Ахир, ўқитувчисиз, саводингиз бўлса керак», — деди.

Жумҳурият Президенти ўқитувчиларга қўшимча имтиёзлар бериш, муҳтожларини уй-жой билан таъминлаш ҳақида Фармон чиқарганига бир йилдан ошди. Хўш, энди юқоридаги жавоб хатлари билан Президентимиз Фармонини бир қиёслаб кўринг. Президент Фармонига бўйсунмаган бу тўралар 35 йиллик оддий муаллиманинг додига етармиди?! Яна бир алам қиладигани умрида Тошкентни кўрмаган, ўзбек халқига бирор меҳнати сингмаган «ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» кимсалар уй-жой билан тўла таъминланганлар. Ҳа, мавлоно Муқимийнинг:

«Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор. Шул эрур айбим Муқимий мардуми Фарғонаман» — деган байти айни бизнинг давр учун битилганга ўхшайди. Йўқса ўттиз йил ичида (1959-1989 й.й.) пойтахт аҳолиси қарийб 1,5 миллионга кўпайиб, бизга ўхшаган «Ватанда беватанлар» рўйхати вужудга келармиди?!

Азиз муштарийлар! Ҳар

## КУЛАСИЗМИ, ҚУЯСИЗМИ?

### ИАТИФОТЛИ УҒРИ

— Демак мен ўғирламаганиман дег. Ҳозир мана бу ўзуни эшитиб кўрамиз, — терговчи шундай дея магнитофон тугмасини босди.

«— Алло, бу Забиҳиддинми!»

— Ҳа, ўзим, нимайди!»

— Наммажон деган ошангизнинг зиёфатнда ўтирибсиз, шундайми?»

— Тўғри. Кимсиз?»

— Биз сизнинг уйингиздаги меҳмонмиз. Эшигингизни бироз бузишга тўғри келди. Хафа бўлмайсиз энди, ишимиз шунақа. Унче кўп нарса олганимиз йўқ, биродар. Биздаям

инсоф бор. Озгина пул, тилла завб, «Сонио» магнитофони, олтин соатчангизни, келин-йимизнинг тилла тақинчоқларинигина олдик, холос. Сира хафа бўлманг. Сиз топармон-тутармонсиз, тезда топасиз. Куйнаверманг, ўрни тўлиб кетади. Хайр соғ бўлинг!»

— Бировнинг телефондаги гапни эшитишга нима ҳақингиз бор! Одобдан эмас-ку бу!»

— Мажбур бўлдик, узр, — деди кулиб терговчи.

Уғри бошини қуйи эгди.

Ғиёс КОМИЛОВ.



Эллиқалъа тумани ички ишлар бўлими биноси бундан икки йил муқаддам фойдаланишга топширилган. — Айниқса, бинонинг ҳовлисидаги ТИР ички ишлар ходимлари учун жуда катта қулайлик туғдирди, — дейди ИИБ бошлиғининг оператив ишлар бўйича ўринбосари милиция майори Мақсудбек Жумамуродов. — Илгарилари 50-60 чақирим йўл босиб, отиш машқларини бажариб келардик. Эндиликда хоҳлаган пайтда ТИРда машқ қиламиз.

СУРАТДА: туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари милиция капитани Одамбой Исмоилов (чапда) ЖКБ катта инспектори милиция катта лейтенанти Сундатбой Матиевнинг нишонга қандай отанлигини текширмоқда. Саъдулла БОБОЕВ олган сурат.